1991 – 1998

МУСТАҚИЛЛИК

Яратувчанликни яратганнинг ўзи ҳам суяди

«Олой» (Тошкент)



«Миробод» (Тошкент)

«Жаҳон бозори» (Наманган)



«Қўйлиқ» (Тошкент)

Ўзбекистон бозорлари

Ўктам ШАРИПОВ ва Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

Истиқлол мушоираси

ҲУРРИЯТ ҚЎШИҒИ

Кенг ўлкамга нур сочган,
Келажакка йўл очган,
Қарамлик зулмин янчган,
Истиқлолга шарафлар!

Номи буюк Истиқлол,
Бошимизда офтоб лол,
Ўтмиш - китоб, сабоқ ол,
Истиқлолга шарафлар!

Еттига етди ёши,
Мустақиллик қуёши,
Ғалаба бўлар боши,
Истиқлолга шарафлар!

Нурафшон тинч йўлимиз,
Ойга етар қўлимиз.
Яшнади дашт, чўлимиз,
Истиқлолга шарафлар!

Юртбошимиз сарбондир,
Ҳар бир ишда боғбондир,
Эл-халққа меҳрибондир,
Истиқлолга шарафлар!

Норжигит РАҲМОН ўғли.
Самарқанд вилояти.

Нитронга талаб катта

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари сунъий нитрон тола ишлаб чиқаришни кўпайтиришмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи бўйича режадаги 3500 тонна ўрнига 6200 тоннадан зиёд тола тайёрладилар. Маҳсулот сифати эса яхшиланиб бормоқда. Толанинг тенг ярми хорижий мамлакатларга, хусусан, Эрон ва Туркияга етказиб берилмоқда. Шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам харидорлар етарли. Россия, Белоруссия ва Украина ишбилармонлари нитрон тола учун шартнома тузиб қўйишган.

Музаффар ШАРОПОВ

«Яшнайвер, мустақиллик»

Пойтахт туманларида қутлуғ байрамга тайёргарлик авжида. Жумладан, Собир Раҳимов туманида олиб борилаётган ишлар ибратга лойиқ. Ойбек номли маданият уйида «Тингла, ҳаёт» тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда миллий чолғу-асбоблари, миллий қўшиқчилик тўгаракларига қизиқиш катта. Ҳаваскорларнинг «Мискин» маҳалласида маданий хизмат кўрсатишлари ўзига хос тантанага айланди. Маданият бўлими қошида «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил қилинган. Марказ фаоллари маҳаллаларда бўлиб, истиқлол берган саодат мавзусида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Шу кунларда эса «Яшнайвер, мустақиллик» деб номланган концерт дастури ҳозирланмоқда.

Абдуллажон ТОЛИПОВ

Митти китоблар

ЎЗГАРИШЛАР

Шаҳрисабздаги тарих музейига Бахтиёр Тўраев ҳадя этган китоб ноёб ёдгорликлар қаторига қўйилди. Бу китобча махсус тарозида тортиб кўрилганда оғирлиги 10 грамм, қалинлиги 1,3 сантиметр экани маълум бўлди. Унинг муқоваси зангламас металл ва пишиқ чарм билан қопланган. Ўқиш учун қабариқ ойна ҳам бириктирилган. 815 бетли 1677 йили Қозонда фотонусха асосида чоп этилган бу Қуръоннинг охирги бетида уч қорининг муҳри борлиги ва бошқа маълумотларни аниқлашда арабшунос Султон Соҳибов кўмаклашди. Бу кишининг қўлида янада кичикроқ, қалинлиги 1 сантиметр келадиган китобча бўлиб, унда пайғамбаримиз мадҳ этилган экан.

Юнус УЗОҚОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 11 август, сешанба • № 94 (22.331).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Эркинлик қадри

Инсоннинг абадул-абад қалб тўрида ардоқлаган туйғуси ҳам, интилган орзуси ҳам муҳаббат бўлган. Ана шу эзгу ҳиссиёт одамларни мардлик ва қаҳрамонликка, жасорат ва заковатга, ижод ва яратувчиликка, бардош ва матонатга чорлаган.

Аммо инсон учун ана шундай ҳаётий туйғудан ҳам муқаддасроқ, қадрлироқ, заруррроқ бир эҳтиёж борки, унинг номи —Мустақиллик, Эркинлик. Улар учун кураш ҳамма даврларда барча халқларнинг эзгу иши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ўз жўшқинлиги ва ижодий умри жиҳатидан ўзимизнинг Усмон Носирга ўхшаб кетадиган венгер шоири Шандор Петефининг бир замонлар ўқиганим ва ўзимча ўзбекчага ўгирганим сатрлари бир умр қалбимга муҳрланиб қолган:

Ишқ йўлида мен тайёрман,
Қурбон бўлса жон.
Эрк йўлида ишқимни ҳам,
Этаман қурбон.

Ҳатто муҳаббатни қурбон қилиш эвазига эришиладиган Эркинлик инсоннинг бу дунёга келиб, кўкрагини тўлдириб нафас олиши, инсон сифатида яшашининг олий белгиси.

Истиқлол халққа нима берди, деб нолиб юрган кимсаларга қараб ҳайқиргим келади: Эркинлик берди! Озодлик берди! Сенинг, менинг тарихимни, топталган, ўзгалар изми билан бузилган тарихимни бор бўй-басти билан ҳаққоний равишда қайтиб берди. Жаҳон маънавияти ва маданияти шоҳсупаларида муносиб ўрни бўлган, аммо ғараз ва камситишлар туфайли шуҳратига ғубор қўнган аждодларимиз шону-шавкатини тиклаб берди. Камситилган тилимизни бурро қилди, эътиқоду имонимизни, динимизу Қуръонимизни заковат ва фаросат билан идрок этиш имконини берди.

Сиз буюксиз, сиз зўрсиз деб оғалар қошида эгилавериб хам бўлган қадди-бастимизни тиклади, дунёга кўз-кўз қила бошлади. Бу камми?!

Шоир ўз шеърини ёзадиган, нотиқ ўз сўзини айтадиган, рассом ўз илҳомига эрк берадиган, ҳофиз ўз қўшиғини хониш қиладиган бўлди. Етакчи ғояга соя солмасмикин, деб чўчинқирамай кўнгилдагини изҳор қилиш насиб этди. Бу камми?

Қамчиқ довони орқали юрсангиз оғиру енгил машиналарда бодрингдан бақлажонгача, шафтолидан булғор қадампиригача турфа меваю сабзавотларни Тошкентга, бошқа вилоятларга олиб кетаётган водийлик деҳқонларни кўрасиз. Булар пешона тери билан ҳосил етиштирган заҳматкашлар. Булар ўз имкониятларини ишга солиб бозорларни обод қилишмоқда, ҳеч кимдан илтифот кутиб ўтирмай, тўқ ва бадавлат яшашмоқда. Мустақиллик шарофати билан фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги, деҳқонларга ер берилганлиги учун ҳам шундай бўлмаяптими, ахир. Бу имконият эмасми, Мустақиллик туфайли очилган йўл эмасми?

Республикада биринчи бўлиб Наманганда гугурт ишлаб чиқарила бошланди. Мўъжазгина бу корхона маҳсулотлари қўшни вилоятларга ҳам тарқалди. Бир неча йил муқаддам ташкил этилган «Шамс ЛТД» деган ана шу даргоҳнинг ташкилотчилари ҳам, эгалари ҳам бутун умри мактабда кечган оддий ўқитувчи Шамсиддин ака Муҳиддинов оиласи бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан бир неча йилдан буён республикамизда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар танлови — байрами ўтказилмоқда. Эътироф этиш керакки, шоиру бастакорларимиз юзлаб қўшиқлар яратдилар. Аммо бутун мамлакат жўр бўлиб айтадиган қўшиқ туғилдими? Ўз сўзи билан, оҳанги билан ҳар бир фуқаронинг кўнгил мулкига айланадиган, ўзида Ватан қадрини, Истиқлол қадрини, Эркинлик, Ҳуррият қадрини ифода этадиган ана шундай қўшиқ бу ёруғ кунларга шукрона бўлгай.

Ҳабиб САЪДУЛЛО

Ўзбек фильмлари фестивали

Бухоро вилояти кинотеатрларида фильмлар фестивали бўлиб ўтди. Мустақилликнинг етти йиллигига бағишланган бу хайрли тадбирни вилоят ҳокимлиги билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ҳамкорликда ташкил этди. «Фестивалнинг қадимий шаҳарда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди «Ўзбеккино» компанияси раиси Т. Юнусов. — Бойси, миллий фильмларни суратга олиш тарихи Бухоро заминида таваллуд топган Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби ўнлаб юлдузларнинг санъати билан боғлиқдир». Фестиваль қатнашчилари Раззоқ Ҳамроев туғилган Шофиркон туманида бўлишди. Бу ердаги учрашувлар ўзига хос байрамга айланди. Султон Жўра номли кинотеатрда мухлислар билан учрашув бўлди. «Ҳамма ерни оппоқ қор босди» фильми намойиш қилинди. Фестиваль давомида бухороликлар олтита янги бадиий ва тўртта ҳужжатли фильмни томоша қилдилар.

Даврон БАҲРОНОВ

Суратларда юрт сиймоси

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Тошкентдаги ҳинд маданият маркази ҳамда Андижон вилоят ҳокимлиги ҳаракати билан моҳир суратчилар кўргазмаси ташкил этилди. Андижонликлар ҳинд ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи турли фото тасвирлардан катта таассурот олдилар. Бу ерга қўйилган 60 дан зиёд фотосурат томошабинга Ҳиндистон ҳақида ўзига хос тасаввур беради. Кўргазма ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида маданий-маърифий, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Соли АҲМАДУЛЛАЕВ

«Ажралган вагон»нинг шитобин кўринг

Шукрона

Ҳурматли таҳририят, мен журналист ҳам, тилчи ҳам эмасман, оддий бир шифокорман. Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли Мурувват уйи жойлашган. Бу ерда руҳий касалга чалинган 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари истиқомат қилишади. Мен шу ташкилотда раҳбарлик лавозимида ишлайман. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллигини нишонлаш олдидан кўпдан бери ўйлаб юрган ушбу дил сўзларимни қоғозга туширдим.

Агар адашмасам, москвалик журналист В. Вишитовичнинг «Известия» газетасида «Ажралган вагон» сарлавҳали мақоласи чиққанига яқинда етти йил тўлади. Ана шу мақолада жаноб Вишитович Ўзбекистон бошқаларга эргашиб мустақиллик эълон қилиб янглишаётганини, бу мамлакат мустақил давлат сифатида ўзини бошқаришга ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан тайёр эмаслигини, кўп ўтмай оғир иқтисодий аҳволга тушиб собиқ марказдан ёрдам сўрашга мажбур бўлишини башорат қилган эди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигининг 7 йиллигини нишонлайди. Тарих саҳифаларига назар ташлайдиган бўлсак, етти йил жуда қисқа муддат, лекин мана шу қисқа муддат давридаги ижобий ўзгаришлар каттакон инқилобни эслатади.

Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, Қоровулбозор нефть-газ иншооти, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Қорақалпоғистонда қурилаётган сода заводи... санайверсанг бу рўйхатнинг давоми узун. Мана шу етти йил даврида бир қанча спортчиларимиз катта-катта халқаро спорт анжуманларида давлатимиз гимнининг янграши, байроғимизнинг ҳилпираб кўтарилишига сазовор бўлишди. Ўқувчиларимиз қатор халқаро олимпиадаларда қатнашиб олтин медаллар совриндори бўлишди. Бундай айтганда, Ўзбекистонни дунё таниятти, Ўзбекистон эса дунёни таниятти. Шу қисқа даврда Ўзбекистон нефть ва ғалла мустақиллигига ҳам эришди.

Мен раҳбарлик қилаётган интернат-шифохонада тошкентлик рус аёлининг ўғли яшайди. У аёл 4 йилга вақтинча Россияга ишлаш учун кетган экан, яқинда қайтиб келибди. Тўрт йил ичида шундай ўзгаришлар бўлибдики, Тошкентни таниёлмай қолибман, Россияда эса янгисини қуриш ўрнига борини ҳам йўқ қилишмоқда, дейди у.

Шахсан мен ўзим Ўзбекистон фуқароси сифатида бўлаётган ижобий ўзгаришларни кўриб,ўқиб, эшитиб, қувонаман, фахрланаман. Аммо бундан 9-10 йил муқаддам мустақиллик тўғрисида очиқ мунозара юритиш у ёқда турсин, ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Аллоҳга шукрки, юракнинг тубида ётган орзулар бугун шунчалик амалга ошиб турибди.

Мана шу айтилганларни ўйлаб, жаноб Вишитович, келинг, Ўзбекистонни бир кўриб кетинг, тинимсиз ишлаётган янги-янги корхоналарни, мўл ҳосилли пахтазору буғдойзорларни, кўкка бўй чўзаётган қурилиш иншоотларини, асосийси, қатъий ишонч, юзида табассум билан меҳнат қилаётган бахтиёр халқни, ўзингиз айтмоқчи, «Ажралган вагон»нинг шитобини кўринг. Шунда, виждонингиз рухсат берса, буюртма эмас, виждоний бир мақола ёзарсиз, дегим келади.

Абубакир ХУДОЙҚУЛОВ,
Оҳангарон шаҳри.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Етти ойлик якунлари

Шу йилнинг етти ойлик якунларига кўра, Литвада пулнинг қадрсизланиши 2,8 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг худди шу даврида ушбу кўрсаткич 5,1 фоизга етган эди. Кейинги пайтларда уй-жой коммунал хизматлари ва турли моллар нархи тезкорлик билан ўсмоқда. Бироқ, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин пасайди.

Хавфсизлик таъминланади

Агар Арманистон Президенти Роберт Кочарян Бокуда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияга келадиган бўлса, унинг хавфсизлиги тўла кафолатланади, — деди Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев. Ушбу халқаро конференция Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлагини ривожлантиришга бағишланади. Конференция 7-8 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Халқаро тинчликка хавф солмоқда

БМТ Бош котиби Кофи Аннан тобора кучайиб бораётган миллий можаролар дунёнинг турли бурчакларида халқаро тинчликка катта хавф солмоқда, деди. У Португалия телевидениесига берган суҳбатида Африка, Европа ва бошқа жойларда юз бераётган минтақавий жанжаллар халқаро можароларга дебоча бўлмоқда, деди. Баъзи давлатларнинг раҳбарлари ўзларини фақат ҳокимият учун дунёга келгани деб ҳисоблаши вазиятни мураккаблаштириб юбормоқда. Кофи Аннан ўтган якшанба куни Лиссабонда очилган «Экспо — 98» умумжаҳон кўргазмаси тадбирларида иштирок этди. Худди шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни ҳам нишонланди. БМТ Бош котибининг Португалияга ташрифи бугун ниҳоясига етади.

Батлернинг баёноти

БМТнинг қуролланиш бўйича бош инспектори Ричард Батлер Бағдод ўзининг биологик қуроллари фош бўлишидан хавфсираяпти, деди. Батлернинг айтишига кўра, ироқликлар БМТ текширувчиларига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилишга интилишган. Бағдод ўтган ҳафтадаёқ текширувчилар билан ҳамкорлик қилишдан воз кечиб, бизда оммавий қирғин қуроллари йўқ, деб таъкидлаганди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 11 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	61,01	1 Норвегия кронаси	13,39
1 Австрия шиллинги	8,12	1 Польша злотийси	29,55
1 Англия фунт стерлинги	165,51	10 Португалия эскудоси	5,61
10 Бельгия франки	27,69	1 Сингапур доллари	58,04
1 Голландия гульдени	50,66	1 СДР	135,08
10 Греция драхмаси	3,45	1000 Туркия лираси	0,37
1 Дания кронаси	15,01	1 Финляндия маркаси	18,82
1 БАА дирхами	27,68	1 Франция франки	17,04
1 АКШ доллари	101,65	1 Швеция кронаси	12,68
1 Миср фунти	29,89	1 Швейцария франки	68,02
1 Ирландия фунти	143,45	1 ЭКЮ	112,56
1 Исландия кронаси	1,42	10 Жанубий Корея вони	0,75
10 Испания песети	6,73	10 Япония иенаси	6,96
100 Италия лираси	5,79	1 Россия рубли	16,24
1 Канада доллари	66,84	1 Украина гривнаси	47,48
1 Хитой юани	12,28	1000 Белорусь рубли	2,37
1 Қувайт динори	331,08	1 Латвия лати	169,34
100 Ливан фунти	6,73	1 Литва лити	25,41
1 Малайзия рингтити	24,20	1 Молдова лейи	21,37
1 Германия маркаси	57,15	1 Қирғизистон соми	5,21

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Башоратчи эмасман, аммо...

Юртимиз довруғини ошириш ниятидаман

Сухбатдош ҳақида қисқа маълумот: Рустам Қосимжонов, ёш шахматчи. 1979 йилда туғилган. Халқаро гроссмейстер, рейтинги 2565. Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндори, халқаро турнирлар ғолиби. Бултур «Ўзбекистон белгиси» нишони билан тақдирланган. ТошДУ талабаси.

— XXI асрда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида қандай нуфузга эга бўлади, деб ўйлайсиз?

— Ёш бўлсам-да, жаҳон кезиб дунё кўришга муяссар бўлиб турибман. Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмагайсан, дейишади. Содда қилиб айтганда, бу ҳаммаси Ватан туйғуси, ватанпарварлик, она-юртга меҳр-муҳаббат билан боғлиқки, қаерда бўлмайлик, шу жаннатмакон диёрдан сира умид узолмайсан. Ўша меҳмондўст, ўша меҳнаткаш, қолаверса, сабрли, қаноат-



ли, зеро, ҳамиша дўппи кийиб, ғоз юрадиган ўзбегим кўз ўнгимда гавдаланаверади. Етти йилдан бери истиқлол нафасидан баҳраманд ўлкамизда тайёрланаётган маҳсулотлару етиштирилаётган ноз-неъматлар ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Энг муҳими, турли шаҳарларда одамларнинг: «О-о Ўзбекистон, о-о Самарқанд, Бухоро, Тошкент», деганларини эшитганингда қўнглингда юртингга меҳринг шунчалар жўш урадики, ўзингни бор имкониятларинг ва истеъдодингни ишга солиб, Ватан довруғини янада оширишга ҳамиша камарбаста бўлиб тургинг келаверади.

Мен бир шахматчиман. Ўйлаб кўринг, спортнинг яна ўнлаб турлари бор. Уларда ҳам таниқли, машҳур спортчилар камол топса, бундай йигит-қизларнинг юрт фахрига айланиб бориши табиий. Аммо, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бунинг учун меҳнат, изланиш, зарур бўлса, эл-юрт ишқида куйиб-ёниш керак. Билмаган одам фалончи осонгина танилиб қолдия, деган фикрга бориши мумкин. Аксинча, машҳурлик, эл оғзига тушишнинг ўзига хос юки, масъулияти бўладики, фақат ўз касбига меҳр қўйган, қалбига Ватан ишқини туйганларнингина муродлари ҳосил бўлар. Ўзбеклардан чиққан биринчи гроссмейстер номини олишим ҳам шунга яраша бўлди. Соғлом авлодни камол топтириш, юртимиз келажагини улар қўлига ишониб топшириш, янги аср одамларининг шу кунларимизга армон билан қарамасликларини ўйлаб ҳозирданоқ келажаги буюк давлатимиз пойдеворини мустаҳкам бўлиши йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Йўлбошчимизнинг дунёвий тараққиёт йўлини танлашга эътибор қилиб, иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга мамлакат нуфузини жаҳон ҳамжамиятида янада нуфузли бўлишида спортчилар-у санъатчиларнинг кўрсатган маҳоратлари муҳим аҳамият касб этишини ҳамиша таъкидлаб келишлари шундан.

Мамлакатда шахматни оммавийлаштириш ҳақида сўз борганда мен аввало болаларга, қолаверса, ёшларга шахмат донасию тахталари етарли бўлиши керак деган фикрдаман. Шахматни ўзига хос маданият тимсоли дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки, шахмат ўйнаган кишидан ҳеч ёмонлик чиқмаган. Шахматчилар кўпинча фикрчан, босиқ, ҳаёт қувончларию ташвишларига дуч келганларида ҳам ҳаракатларини расамади билан тасарруф этишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун юртимиз мактаблари десам бўлмас, яхшиси боғчаларда шахматдан сабоқ беришлар йўлга қўйилсами, авлодларимизнинг теран фикр юритувчи, қунимли бўлишларига йўл очиларди. У ёғини сўрасангиз тарихда буюк раҳбарлар, зукко олимларнинг аксарияти дона суришган. Демак, шахмат ўйнаш шу кунларда тақозо этилаётган миллий тафаккур ва миллий ғояни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзим ҳақимда икки оғиз гап. Ҳали қиладиган ишларим кўп. Ниятларим эса холис. Жумладан, жаҳон шахмат олимпиадасида Г. Каспаров, В. Ананд, В. Иванчук, В. Топаловлар билан баҳслашишим керак. Кузда Лас-Вегас шаҳрида жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этишга ҳозирланишим зарур. Албатта мен маҳоратимни мустақил оширишга одатланганман. Бу борада йўлбошчимиз менга иншоат этган компьютер маслакдош. Ўйлайманки, XXI асрда халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон деганда шахматчи юртдошимизни ёки ўз даврининг таниқли устаси бўлиб қолган ўша спортчининг номи тилга олинганда, Ўзбекистон, деб эслайдиган бўладилар.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ

Ёшлар—бизнинг

Ҳаёт тақозоси билан ота-онасиз қолган, ўз қаровчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болалари ҳамиша давлат эътиборидадир. Оила йилида миллатимизнинг ажралмас бўлаги бўлган васийсиз, ҳомийсиз қолган болаларнинг моддий фаровонлигини ошириш, билим олишларига кенг имконият яратиш борасида бажарилаётган тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирларнинг Давлат дастури»да оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, етим ва васийсиз қолган болалар ҳуқуқини паймол этилишидан сақлашга катта эътибор қаратилган. Ушбу масалада вазирлик томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Аввало, мазкур дастур ҳукуматимиз томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган инсон манфаатлари йили дастурининг узвий давоми бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳаётда ҳамма нарса биз истагандек силлиқ кечавермайди, баъзан ота-онанинг ножўя ҳаракатлари жабрини фарзандлар тортади. Жабрдийда болалар миллатимизнинг бир бўлаги, уларнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили вазирлик томонидан 600 мингдан ортиқ биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари ҳамда бошланғич синфларда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига имкон қадар қишки кийим-кечак бепул тарқатилган эди. Гарчи бу йил барча турдаги умумтаълим муассасаларида дарсликлар пуллик бўлса-да, ўтган йилги анъанани давом эттириш ниятимиз бор. Демократик жамиятнинг биринчи тамойили инсон ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилиш бўлса, бунга соғлом, илмли, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиб эришиш мумкин.

Оила йили муносабати билан ишлаб чиқилган «Оила кодекси»га балоғатга етмаган болаларга, улар қаровчисини йўқотганда, васий, ҳомий тайинлаш, уларни фарзандликка бериш асослари киритилган. Ҳозирги кунда ушбу дастур ўзининг амалий натижасини топишини истаб, қолаверса, омма онггига батафсилроқ сингдириш мақсадида «Ҳомийлик ва васийлик органлари тўғрисида Низом» ҳамда «Ўғил (қиз) қилиб олиш тўғрисида Низом» ишлаб чиқиляпти. Бозор муносабатларидан келиб чиқиб, ҳимояга муҳтож болаларнинг дилини ўкситмаслик, соғлом, дуркун, билимли қилиб тарбиялаш учун чет эл инвестицияларини жалб қилишни режалаштирганмиз. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «SOS-КИНДЕРДОРФ» жамияти маблағлари ҳисобига Тошкент шаҳрида мактабгача таълим муассасаси, мактаб, спорт ва дам олиш марказларини ўз ичига олган «SOS-болалар маҳаллалари» қурилишини ташкил этяпмиз. Ушбу мажмуа ўз қаровчисини йўқотган, етим, васийсиз қолган давлат қарамоғидаги болалар учундир.

— Ўтган йили инсон манфаатлари йилидан ташқари таълим йили бўлди десак янглишмаймиз. Таълимни қайта ислоҳ қилиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас талаби эди. Бунинг натижасида иқтидорли ёшлар энг илғор мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни қанчалик чуқур англайверсак, мустақилликнинг қадрига шунчалик теран етаверамиз. Мукаммал инсон танасини жамиятга қиёс қилсак, тананинг барча аъзосининг тугаллиги унинг қудратига кафолатдир.

— Бу билан ҳимояга муҳтож болалар ҳам тананинг бир аъзоси, уни кесиб ташлашга ҳаққимиз йўқ демоқчисиз-да?! «Таълим тўғрисида»га қонунда: «Етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш» деган банд бор. Қаранг, ҳукуматимиз қанчалик инсонпарвар. Бизнинг давлатимизда ким бўлишидан қатъи назар ҳуқуқий ҳимояга олинган.

Вазирлигимиз олдида етим, васийсиз қолган болаларнинг етарлича билим олишлари учун таълим-тарбия бериш вазифасини тубдан ислоҳ қилиш масъулияти турибди. Айниқса, амалдаги «Меҳрибонлик уйи тўғрисида»ги Низомни қайта кўриб чиқиш керак. Етим болаларни оилавий муҳитга яқин шароитда тарбиялаш юзасидан ташкилий-педагогик жараённи такомиллаштириш лозим. Республикамизда 4 мингдан зиёд етим, ота-онасининг васийлигисиз қолган болалар меҳрибонлик уйларида тарбияланмоқдалар. Меҳрибонлик уйларига 100

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Шароф Рашидов номли деҳқон-фермерлар уюшмасида ғўза парваришни авжида. Ниҳоллар гуркираб ривожланмоқда. Айни пайтда ҳосил тугунчалари кўпайиб, кўсаклар сони ошиб бормоқда. Ғўзани чеканка қилиш ҳосилдорликни оширишда муҳим омилдир. Миришкорлар ана шу муҳим вазифани сифатли бажаришмоқда. Аъзоларнинг нияти бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан дурдона йиғиштириб олиш.

Суратларда: ғўзага ишлов бериш пайти ва уюшма раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Рустам Рўзимов ҳамда бригада бошлиғи Сапарбой Аминов.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар

ХДП хабари

Мустақиллик, мафкура, маънавият мулоқотлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги тантаналарига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Юртимиз чирой очмоқда. Шундай шукуҳли кунларда ЎзХДП Марказий Кенгаши улуғ шодиёна муносабати билан мустақиллик, маънавият, мафкура тамойиллари ҳақида мулоқотлар ўтказиш мақсадида партия фаоллари, таниқли олимлар ва ижодкорлардан иборат ташвиқот гуруҳлари ташкил этди. ЎзХДП Марказий Кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири С. Қурбонов, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор О.Усмонов, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ўқув маркази ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуининг доценти С. Мажидов, Тошкент маданият институти профессори, филология фанлари доктори М. Муродов, Ўзтелерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Т. Солиев иштирокидаги ташвиқот гуруҳи Андижон вилоятига келди. Ташвиқот гуруҳи аъзолари қаторига андижонлик таниқли олим, иқтисод фанлари номзоди Х. Мусаев қўшилди.

Меҳмонлар Андижоннинг диққатга сазовор қадамжоларида бўлдилар. Истиқлол тўйи арафасида бажарилаётган кенг кўламли ишлар билан танишдилар. Боғишамол даҳасида, Чўлпон боғида, Пахтаобод туманидаги «Намуна», Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжаликларида, Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоқ тўқув фабрикасида, Хонобод шаҳрида фуқаролар билан учрашдилар. Мустақиллик, мафкура, маънавият масалалари хусусида мулоқотлар ўтказдилар.

Ташвиқот гуруҳи аъзоларига ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов ҳамроҳлик қилди.

Аҳмадилла СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Янги қурилма яратилди

Муборак газни қайта ишлаш заводида "Сульфрен" қурилмаси барпо этилди. У Германия, Франция, Россия технологияларидан фойдаланилган ҳолда мамлакатимиз мутахассислари лойиҳаси асосида яратилди.

Қурилма ҳавога ёқиб юбориладиган газни қайта ишлаб, ундан йилига 16 минг тонна олтингугурт ажратиб олиш имконини беради. Бу эса саноатимиз учун муҳим хомашё — олтингугурт ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, атроф-муҳит мусаффолигини сақлайди.

Янги қурилмани мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида ишга тушириш режалаштирилган.

А. ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири

Иқтисодий

Усиз иқтисодиёт

Мамлакатимизнинг XXI аср жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин эгаллаши кўпроқ унинг миллий хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ечишга боғлиқ.

Ҳозирги кунга келиб миллий хавфсизлик тушунчаси халқаро сиёсатдаги туб ўзгаришлар, иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланиш, экологик мувозанатнинг бузилиши ва бошқа омиллар таъсирида жиддий равишда кенгайди ва мураккаблашди. Энди миллий хавфсизлик нафақат давлатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қурол билан ҳимоя қилишни, балки урушнинг олдини олиш, давлатнинг иқтисодий ва технологик хавфсизлиги, ички барқарорлиги ва нормал ҳаёт кечириши, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсий ва дипломатик чоралар кўришни ҳам ўз ичига олади.

Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида Миллий хавфсизликни «Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлигини билдирадиган комплекс тадбирлар тизимидир» деб таъкидлайди.

Тарихан хавфсизликни талқин этишда, асосан кучлар қарамақаршилигининг (халқаро муносабатлар соҳасида юз берадиган) ҳарбий жиҳати тушуниб келинган. Миллий хавфсизлик тушунчаси доирасининг ҳозирги пайтда янги мазмунга мос равишда кенгайиши билан унинг янги жиҳатлари пайдо бўлмоқда. Демак, бундай вазиятда хавфсизликнинг талқини нафақат ҳарбий кучга асосланган ҳаракатлар соҳасини, балки муайян миллий шакллардаги ижтимоий тараққиётнинг кўплаб таркибий қисмларининг уйғун ривожланишини ҳам тақозо этади.

Миллий хавфсизлик категорияси кўп қиррали ва кўп жиҳатли асосга эга бўлиб ўз таркибига иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий, молиявий, энергетик, ижтимоий, экологик, озиқ-овқат, технологик, транспорт хавфсизликлари кабиларни олади. Айрим маълумотларга қараганда, хавфсизликни таъминлашнинг 200 га яқин ноҳарбий воситалари мавжуд.

Ҳозирги кунда республикамизда хавфсизликни таъминлаш воситаларининг халқаро омилларидан барчасини қўлланилаётганлиги иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммолари қанчалик долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида асосий ўринни эгаллайди. Демак, иқтисодий хавфсизлик категорияси хавфсизликнинг умумий категориясидан ҳосиладир. Иқтисодий хавфсизлик масаласи бўйича республикамизда ҳали етарлича қарор топган ишланмалар йўқ. Шу боис, иқтисодий хавфсизлик категориясининг ўзи ҳали на илмий, на амалий маънода қарор топмаган.

Иқтисодиётнинг ўзи хавфсизликнинг муайян системасини қамраб олади.

Иқтисодий хавфсизлик категориясини таърифлаш учун, энг аввало, иқтисодиётнинг нормал ишлашини белгиловчи омилларнинг мажмуасини аниқлаб олиш, шундан кейингина уни умумий, миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан система сифатида ҳамда миллий хавфсизликнинг алоҳида ажралган қисми эмас, балки унинг узвий таркибий қисми сифатида қараш керак.

Миллий хавфсизлик, мустақил ривожланиш кафолати ҳамда жамиятнинг барқарор ва самарали ҳаёт кечиришининг шарт-шароитлари иқтисодий хавфсизликка таянади. Иқтисодий хавфсизликнинг таъминланмаслиги ички ресурслардан ўз миллий манфаатларига зарар етказишга ва бошқа давлатларнинг ривожланиши учун фойдаланишга олиб келади. Шу боис иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат иқтисодий сиёсатининг узвий қисми ва энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши керак.

Ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, иқтисодиётнинг миллий манфаатларга хизмат қилиш йўлларини белгилаб олиши керак.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ иқтисодий сиёсатда мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилди. Бу борадаги чора-тадбирлардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

* бозор ислоҳотларини амалга ошира бориб, бозор механизми орқали иқтисодий рағбатлантириш, унинг барқарорлигини, сўнгра ўсишини таъминлаш;
* бозор инфратузилмасини шакллантириш;
* миллий валютани муомалага киритиб, унинг ёрдамида миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш;
* миллий иқтисодиётнинг устун тармоқларини белгилаб олиб, уларни жадаллаштириш орқали мамлакатнинг ишончли моддий базасини яратиш;
* мамлакатда нефть ва ғалла мустақиллигини таъминлашга эришиш;
* мамлакатнинг импортга қарамлигини заифлаштириш;
* бироз қийин бўлса-да, истеъмол бозорини бир қадар чеклаш ҳисобига маблағ ва заҳираларни иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш;
* асосий озиқ-овқат товарлари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимояланишнинг турли шаклларидан фойдаланиш ва х. к.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган мазкур чора-тадбирлар сўзсиз ўз самарасини бергандигини ижтимоий ҳаётимиз исботламоқда. Давлатлараро статистик қўмитанинг маълумотларига қараганда, Ўзбекистон МДҲдаги 1997 йилнинг якунлари бўйича 1990 йил даражасидан ўтган ягона республика бўлди.

1997 йил якунига кўра республикамиз импортининг умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш — техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги муҳим стратегик йўлимиз натижасидир.

Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Илгарилари қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўла туриб, истеъмол қилинадиган қанд-шакар, қурт-сут ва болалар озуқасининг қарийб ҳаммасини, дон, гўшт, сут маҳсулотлари, картошка ва истеъмол спиртининг кўпчилик қисмини четдан келтиришга мажбур бўлганлигимиз миллий хавфсизлигимиз манфаатларига таҳдид соларди. 1991-1992 йилларда истеъмол қилинадиган молларнинг 65 фоизи четдан олиб келинарди. «Шу сабабли, — дейилади «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида, — республикани зарур, ҳаётий муҳим товарлар билан таъминлаш, энг аввало, уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига таъминлаш миллий хавфсизлик, собитқадамлик ва барқарорликка эришишнинг асосий сабабларидан биридир. Бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир».

Республикамиз иқтисодиётини чет элга қарам бўлишдан асраш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз мевасини берди. Мисол учун: озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари импорти икки баравар камайди. 1996 йил билан таққослаганда, дон маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар импорти 17 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти тўрт марта қисқарди.

Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига кириб бораётганлиги қувонарли ҳол. Лекин шу билан бирга ташқи сав-

Суддан кейинги ўйлар

Ноқобил фарзанд

ўлимлик матога кўз олайтирди

Гап оддий, шунчаки ўғирлик ҳақда эмас. Ноқобил фарзанд ўз кўнгилхушлиги учун онаизорининг ўлимлик учун йиққан матоҳларига кўз олайтирди. Бу йўлга уни зарҳи қотил бошлади...

Умрбек 25 яшар йигит, икки фарзанднинг отаси. Ишлаб толмайдиган вақти. Кийса, керилиб юрса яраша ди. Лекин... у гиёҳвандликка ружу қўйди. Бир миқдор радди бало учун ҳеч балодан қайтмайдиган ахволга тушди.

Аввал бошда ота-онаси, яқинлари кўмагида тикланган иморатининг сотишга яроқли буюмларини бозорга солди. Сотди — чекди. Навбат уйнинг ёғоч ашёлари — полига келди. Уларни ҳам кўпориб олди. Сотди — чекди!

Бангининг бемаъни одати бўлади. Ўғирлаб олсин, ишлаб топсин — қорадори билан улфатларни сийлашни яхши кўради. Биргаликдаги кайф-сафонинг гашти ўзгача бўлса керак-да.

Умрбек ҳам қоракўз фарзандларининг ризқидан қийиб сотиб олган қорадори билан таниш-билишларини меҳмон қиладиган одат чиқарди. Унинг зуғуми, инсоний қиёфасини тобора йўқотаётганига чидай олмаган турмуш ўртоғи эса ниҳоят ҳаммасига қўл силтади — фарзандларини олиб отасиникига кетди.

Кодексининг 272-моддаси 1-қисми, 273-моддаси 4-қисми ҳамда 273-моддасининг 3-қисми «а» бандлари билан айбдор деб топилган Боғот туманидаги И. Дўсов номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Умрбек Эшметов 13 йилга озодликдан маҳрум қилинган пайтида суд залида унинг на оиласидан, на қариндошуруғларидан бирор одам йўқ эди. Айбдор атрофга боқиб кўз ёш тўкди, пушаймонлик билдирди. Аммо, минг афсуски, унга кўнгил берадиган, айни оғир пайтда қўллайдиган одам топилмади. У ўз қилмишлари билан барча яқинларини бездириб қўйган, улар алқачон юз ўгириб бўлганди. Ахир, ўғри (ўлимлик ўғриси!)ни ва гиёҳванд кимсани «яқиним», «биродарим» деб суд залига келишнинг ўзи одамни ҳомусда ўлдирмайдими?..

... Шу тумандаги Огаҳий номли жамоа хўжалигининг 8-бригадаси ижарачиси, 28 яшар Самандар Тожиев ҳам энди қилмишидан пушаймон. Шу йилнинг 20 январида ички ишлар ходимлари унинг ёнидан 7,2 грамм, уйини тинтув қилганларида эса 526 грамм миқдорида заҳри қотил топиб олишди. Кўзи ярқ этиб очилган Самандар эса бу радди балонинг ўз ҳаётига қандай шерик бўлганини англай олмай ҳайрон. Гулдек касби, шердек кучи, уч фарзанди бор-а. Аммо, ўтган йил охирида гуруч сотиш учун Термиз шаҳрига борганида номаълум кишидан 600 грамм қорадорини тўқсон минг сўмга сотиб олди. Кайф-сафо қилмоқчи, мўмай пул топмоқчи — бойимоқчи бўлди.

Энди у ҳам суд залида. Қилмиши учун саккиз йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳукмни эшитганида кўз ёшларини тия олмади...

Сўнгги пушаймондан не наф? Бу ҳақда олдинроқ, гиёҳвандлик кўчасига кирмасдан бурун ўйлаб кўрмоқ керак эди.

Халқимизда «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ» деган матал бор. Гиёҳванднинг эса ҳамма қилиғи ортиқ — бор-буди жиноят!

Ноқобиллар ҳақида қуйинишдан олдин бошқа бир томонини ҳам назардан қочирмаслик керак. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик касали кўпайиб бораётгани сир эмас. Буни кўпчилик биладди. Айнан ана шу заҳри қотил бирлаштирган йигитларнинг гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон зиёфат уюштиришлари ҳам бизга бегона эмас...

«Ҳар ким ўзи учун, ўз қилмиши учун жавоб бериши керак!» Бу қонуний гап. Тўғри фикр. Аммо, ана шу «қилмиш»ни кўра-била туриб жим туриш инсофданмикин?

Жуманазар ОТАНАЗАРОВ, Боғот тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси. Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

келажагимиз

миллиондан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, давлат сармоясидан ташқари 30 фоизини ҳомий ташкилотлар ажратганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

— Ҳозирги кунда ажратилган сармоя ва унинг болаларга сарф-ланишида иқтисодий тадбиркорликни кўзлаб арзон ва сифатсиз маҳсулот олинмаяптими? Бу каби камчиликларга йўл қўяётган мутасадди раҳбарларга нисбатан қандай чоралар кўриляпти?

— Ўтказилган текширув натижасида шу нарса маълум бўлдики, жойлардаги таълимни бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва жамоат ташкилотлари етим ва васийсиз қолган болаларга эътибор қаратишда қатъиятсизликка йўл

4

қўйишган. Натижада, аксарият меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўрнатилган меъёрлар асосида сарёғ, пишлоқ, балиқ, тухум, колбаса, какао, кофе, қандолатчилик маҳсулотларини тўлиқ олишмаётгани маълум бўлди.

Тарбияланувчилар кийим-кечаклар билан мавсумий таъминланиб турилса-да, ажратилган кийим-кечаклар, айниқса, оёқ кийимининг сифати ёмонлиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда.

Аксарият меҳрибонлик уйлари бинолари эскириб кетган, масалан, Фарғона вилоятидаги 12 меҳрибонлик уйи биноси санитария талабларига жавоб бермайди. Қашқадарё вилоятидаги 3 ва 5-меҳрибонлик уйлари бинолари «авария» ҳолатида. Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйи ошхонаси етарли стол-стуллар билан таъминланмаган.

Шу ўринда етимнинг ҳаққини еган одамнинг у дунёю бу дунё юзи қора бўлиши, бу энг катта гуноҳлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масъул кишилар буни чуқурроқ ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди.

Лекин, ўрнак олса арзийдиган меҳрибонлик уйлари ҳам бор. Масалан, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тумандаги 191 ва 196-умумтаълим мактабларида таълим олишади. Қўшимча машғулотларга қатнашиши, хулқи, одоби, соғлиғи каби масалалар доимий ҳамкорликда назоратга олинган. Туман болалар ижодиёт маркази меҳрибонлик уйида ўзининг тармоғини

5

ташкил этганлиги ҳам болаларни фойдали машғулотларга жалб қилишда катта аҳамиятга эга.

— Меҳрибонлик уйларига, мактаб-интернатларига болалар тўғридан-тўғри қабул қилинадими?

— Улар жойлардаги туман халқ таълими бўлимлари, ҳокимиятлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг йўлланмалари асосида жойлаштирилади.

Туман халқ таълими бўлимлари томонидан 1997 йили 6400 дан ортиқ васийлик ёки ҳомийлик тайинланиши лозим бўлган болалар аниқланган. Бу болаларнинг 2790 таси 7 ёшгача бўлган болалардир. Уларнинг 733 нафари (10,8%) меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштирилди, 5610 нафари (83,2%) оилаларга (васийликка, ҳомийликка олинган ёки фарзандликка берилган), 11 нафари (0,16%) ҳунар билим юртларига жойлаштирилди.

Суд ҳукмига биноан ота-оналик ҳуқуқидан 120 нафари маҳрум қилинган, 71 нафар бола эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмасдан оилалардан тортиб олинди. 173 балоғатга етмаган болаларнинг турар жой бўйича низоли масалалари кўриб чиқилди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари лойиҳасини тайёрлаш, низоли масалаларда иштирок этиш асосан туман халқ таълими бўлимларининг назоратчилари зиммасидадир. Мазкур лавозимдаги ходим юридик ва педагогик маълумотга эга бўлиши кўрилаётган масалани тўғри ҳал этилишига кафолатдир.

Лекин, маълумотларга кўра, республика бўйича 70 та туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида (31,5%) махсус назоратчилар бор, қолган туманларда эса бу вазифа халқ таълими бўлими ходимларидан бирига қўшимча вазифа тариқасида бириктириб қўйилган.

— Ҳимояга муҳтож болалар тарбиясини янада такомиллаштириш учун нималарга

6

Таълим ва ислоҳот

эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда таълим масалалари ички тартибларининг уйғунлашувига эришишга, таълим масалаларининг мақсади ва таълим, тарбиявий, ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва руҳий реаблитация қилувчи асосий масалалар ҳамда уларга хос бўлган вазифаларнинг узвийлиги ва изчиллигига эришиш лозим.

Ўқув (факультатив ва қўшимча) ва амалий машғулотлар ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, маҳаллалар, турли жамғармалар, ҳомий ташкилотлар билан қўшма оммавий-тарбиявий тадбирларни ўтказишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Юсуф ЖЎРАЕВ суҳбатлашди

Минтақавий ҳамкорлик

ЭКО иқтисодий алоқалар, қардошлик, дўстлик

«Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда».

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дунё тан олган «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай сатрлар бор: «Жамиятимизнинг демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидан собитқадам ривожлана боришига бошқа халқаро ташкилотлар билан энг аввало Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳам ёрдам беради».

Осиё минтақасида фаолият олиб борадиган ташкилотлардан бири ЭКО – иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидир. Бу ташкилот Осиё мамлакатларининг ўзига хос умумий бозорини вужудга келтириш мақсадида Туркия, Покистон ва Эрон томонидан тузилган. Ташкилотнинг асосий вазифаси аъзо давлатларнинг кейинги асрга қудратли ва юксалган давлат сифатида қадам қўйишини таъминлашдан иборатдир. ЭКО аъзолари саноат ва савдо соҳасида ҳамкорлик, минтақаларароқ сайёҳликни ривожлантириш, самарали алоқа тизимини, автомобиль ва темирйўлларни, ҳаво йўллари ҳамда йўлдош алоқа ва бошқа коммуникация алоқаларини вужудга келтиришни энг муҳим дастур сифатида қабул қилмоқдалар.

Ўзбекистон ЭКОга 1992 йил 28 ноябрида Исломободда бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида расмий равишда аъзо бўлиб кирди. Ҳозирги кунда бу ташкилотда Марказий Осиёнинг барча давлатлари, Озарбойжон ва Афғонистон ўз ўрнига эга.

Бир нарсани тан олиб айтиш керакки, янги аъзоларнинг қабул қилиниши собиқ СССР империяси тарқаб кетган йилларга тўғри келгани учун, ЭКО сиёсий ташкилотга айланиб кетишга сал қолди. Айрим давлатлар янги аъзоларни ўз таъсир доирасига олишга интилиш ҳоллари кутилди. Аммо бу ташкилотни сиёсийлаштириш ва мафкуравийлаштиришга қарши Ўзбекистон ҳамиша ўзининг фикрини билдириб келмоқда.

Ислом Каримов ЭКОга аъзо давлат бошлиқларининг Ашгабатда бўлиб ўтган навбатдан ташқари учрашувида «Бу халқаро ташкилотга сиёсий тус беришга қаратилган ҳар қандай уринишлар иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик руҳи ва моҳитига фақат зиён етказиши мумкин» деб таъкидлаган эди. Ўзбекистон раҳбарининг бу нутқи анжуман иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинганди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ЭКОга аъзо давлатлар ҳудуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, цивилизация ва гўзал анъаналарга эга. Бундан етарлича фойдаланиш зарур. Ислом Каримов шу йилнинг май ойида Алматида бўлиб ўтган ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 5 учрашувида бу ҳақда тўхталиб ўтиб шундай деди: «Ислом ва Шарқ цивилизацияси ҳамда фалсафанинг шакланишида муҳим ўрин тутган ўлкамиз жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳиссасини қўшмоқда, жуда кўп фан ва маданият арбобларини, файласуф ва математикларни етиштириб чиқарган».

Ўзбекистон ЭКО доирасида бўлиб ўтадиган барча анжуманларда ўзининг амалий таклифлари билан қатнашмоқда. Бу эса давлатимизнинг ЭКОга ўз ўрни борлигидан далолат беради.

Алматидаги анжуманда Ислом Каримов ҳамкорликнинг ўтган олти йилида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва меъёрий асос яратилаганини, минтақа мамлакатлари тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик вазифалар ҳал қилишда биргаликда ҳаракат қилинганлигини таъкидлаб айрим бажарилмаган ишларни ҳам айтиб ўтди. Ташкилотнинг кўплаб институт ва тузилмаларини барпо этишга зарурат йўқ деган таклифлар берилди. Чунки уларнинг ташкил этилиши «ўта муҳим ва устувор бўлган асосий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш ўрнига, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилотининг туб мақсад ва вазифаларидан чалғитиш мумкин».

ЭКОга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашувлари минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

1996 йил майида Сарахс – Машхад – Бендер – Аббос темирйўлининг очилиши Марказий Осиё давлатлари учун катта аҳамиятга эгадир. Бу йўлнинг ишга туширилиши Марказий Осиё мамлакатларининг Форс кўрфазидаги портларга чиқиши учун имкон яратди. Бу билан ЭКО давлатларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилишга имконият яратилди. ЭКО мамлакатлари телекоммуникация тизимларининг Транс Осиё-Европа оптик-тола кабел тизимига қўшилиши бу борадаги алоқаларни янада ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Аммо Афғонистон ва Тожикистондаги беқарорликлар минтақадаги давлатларни қутбларга бўлинишига сабаб бўлмоқда. Бу эса минтақадаги барқарор вазиятга албатта катта хавф солади.

ЭКОнинг келажаги ҳақида гапирар эканмиз, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Алматидаги учрашувда айтган гапларини келтириб ўтиш лозим: «Назаримда, бизнинг энг муҳим вазифамиз айрим мамлакатларнинг ҳукмронлик қилишга бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатининг олдини олиш, бунга имкон бермаслик... қабул қилинаётган қарорлар иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларнинг манфаатларига мос келиши, шу билан бирга, бизни бирлаштириб, интилаётган мақсадларимиз доирасидан чиқмасликка эришишдан иборат».

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ, шарҳловчи

Халқаро жиноий гуруҳ қўлга олинди

Чехияда қорадори савдоси билан шуғулланадиган йирик халқаро жиноий гуруҳ қўлга олинди. Мазкур гуруҳнинг 2 нафар аъзоси Чехия ва 15 нафари Голландия фуқароларидир.

Сўнгги 5 йил мобайнида улар қатор Осиё давлатларидан контрабанда йўли билан Чехияга қорадори келтирган ва бу ерда уни қайта тайёрлаб, Марказий ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларига тарқатган.

Чехия полицияси комиссарлиги вакилининг айтишича, ўтган йиллар давомида ушбу ноқонуний савдодан тушган соф фойда 10 миллион АҚШ долларига тенг. Наркомафияни қўлга олишда Германия ва Голландия полиция маҳкамалари вакиллари ҳам иштирок этди.

Сув тошқини оқибатлари

Жанубий Кореянинг қатор ҳудудларида кучли ёғин оқибатида юзага келган сув тошқини 185 кишининг умрига зомин бўлди. Хабарларга қараганда, 80 дан ошиқ киши бедарак йўқолган, 20 минг нафар аҳоли вакили бошпанасиз қолган.

Тошқинни бартараф этиш юзасидан иш олиб бораётган мамлакат расмий доираларининг ҳисоб-китоби бўйича табиий офат етказган зарар 280 миллиард вон (тахминан 200 миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида баҳоланмоқда.

Қарзларни кўриб чиқишда ёрдам беради

Германиядаги "Дрезден банк" президенти ўринбосари, "Крейстан" молиявий гуруҳи раиси Уили Броеп Қирғизистон миллий банки раиси Марат Султонов билан учрашди. Немис банкирларининг қирғизистонлик ҳамкасбларига банк ишларини мувофиқлаштириш ҳамда қарзларни қайта кўриб чиқиш ишларида ёрдам бериши тўғрисида келишиб олинди.

Хусусий мактаб иш бошлади

"КазААГ" ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакатда илк хусусий мактаб фаолият кўрсата бошлади. "Мақсад" деб номланган мазкур мактабда таълим қозоқ, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Бу ерда ўқувчилар ҳуқуқшунослик, жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни ҳам ўзлаштириш имконига эга бўлади. Мактаб бошқаруви кенгаши таркибига таълим вазирлигининг вакилидан ташқари икки нафар америкалик профессор ҳам киритилган.

Элчихона ёнида портлаш

Кения пойтахти марказида юз берган портлаш оқибатида 10 киши ҳалок бўлди, 100 дан ошиқ киши жароҳатланди. Мазкур қўпорувчилик ҳаракати АҚШ элчихонаси ёнида турган машинага ўрнатилган бомба портлаши натижасида содир этилди. Портлаш натижасида бу ерга яқин жойлашган кичикроқ уй ҳам қулаб тушди, шунингдек, 300 метр атрофдаги уй-жойларга шикаст етди.

Орадан кўп ўтмай, Танзания пойтахтида ҳам кучли портлаш юз бергани ҳақида хабар келди. Воқеа шоҳидларининг гувоҳлик беришича, АҚШ элчихонаси яқинида турган бензин ташувчи машина портлаб кетган. Натижада 4 киши қурбон бўлган.

Токиода учрашишмоқчи

Мудофаа соҳасидаги халқаро экспертлардан йигирма киши Токиода учрашишга қарор қилишди. Улар шу йилнинг 30-31 август кунлари ядро қуролларини тарқатмаслик масалаларини муҳокама қиладилар. Бу ҳақда Япония ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили хабар қилди. Япония бундай таклиф билан Ҳиндистон ва Покистон май ойида ядро синовлари ўтказганларидан сўнг, июнь ойидаёқ чиққан эди.

Бошқарма тарқатиб юборилди

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев мамлакатда цензурани бекор қилиш тўғрисида фармон чиқарди. У оммавий ахборот воситаларида давлат сирларини сақлаш бўйича бош бошқармани тарқатиб юборди. Бу ташкилот 1966 йилдан буён матбуот фаолиятини назорат қилиб келган эди. Жумладан, Ҳ. Алиев 1992 йилдан буён мавжуд бўлган ҳарбий цензурани ҳам бекор қилди.

Шунингдек, фармонда мамлакатда сўз, фикр ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топган.

Қуролли аралашувни талаб қилди

Албания парламенти Косово муаммосини ҳал қилишда НАТОнинг қуролли аралашувини талаб қилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус баёнотда айтилишича, ўлкада тинчлик ўрнатиш жараёнини бошлаш учун куч ишлатишдан бошқа илож қолмаган.

Албания парламенти вакиллари АҚШ маъмуриятига мурожаат қилиб, Косовода "иккинчи Босния"нинг вужудга келишига йўл қўймаслик тўғрисида илгари берган ваъдасини эсдан чиқармасликка чақирди.

Янги вазир тасдиқланди

Грузия парламентининг навбатдан ташқари сессиясида 48 ёшли Важи Лордкипанидзе мамлакатнинг Давлат вазири этиб тасдиқланди. 122 депутат унинг номзодини қўллаб-қувватлади. Фақат икки депутатгина қаршилик билдирди.

Маълумки, Грузиянинг Россия Федерациясидаги собиқ элчиси В. Лордкипанидзе Президент Эдуард Шеварднадзе томонидан ушбу лавозимга номзод қилиб кўрсатилган эди.

Янги Давлат вазири парламентда сўзга чиқиб, Абхазия ва Жанубий Осетия муаммосини ҳал қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблашини айтди.

(ЎзА)

Мутахассис мулоҳаза юритади

хавфсизлик ривожланадими?

дони амалга ошириш, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда иқтисодий хавфсизлик жиҳатларини эътибордан чиқармаслик муҳим масаладир. Мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларидаги иштироки миллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириши учун энг қулай шароитларни яратади. Шу билан бирга, миллий ижтимоий-иқтисодий системани аста-секин жаҳонда юз бераётган оламшумул жараёнларга боғлиқ қилиб қўяди. Халқаро иқтисодий ривожланишнинг замонавий принципларини ички хўжалик жараёнлари учун стандартлар тарзида қабул қилиш муқаррар натижа бўлади.

Иқтисодий ўзгаришлар қилганда миллий ривожланишнинг устунлигини йўқотмаслик учун иқтисодий хавфсизлик талабларини ҳисобга олиш жуда катта аҳамият касб этади.

Республикамизда хорижий сармояларни жалб қилишни тартибга солувчи 15 та институтнинг бирортасига ҳам иқтисодий хавфсизлик масалаларини қараб чиқиш вазифаси юклатилмаган. Фикримизча, энг аввало стратегик масалаларда миллий хавфсизликни қувватлаш ва мустаҳкамлаш талаблари албатта ҳисобга олиниши керак. Бу масалалар бўйича тегишли тадбирлар режазини ишлаб чиқиш ўринлидир.

Ҳозир тадбиркорлик фаолиятининг ўта муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади.

Юқоридаги фикрлар мажмуи, халқимиз ижтимоий онгида давлатнинг, фирмаларнинг, хусусан ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлаш заруриятини тушунтиришни кечиктириб бўлмас вазифага айланишини талаб этади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида махсус мактаблар ва марказларда, шунингдек, айрим коллеж ва университетларда, баъзи кафедраларда иқтисодий хавфсизликнинг турли жиҳатлари бўйича давомли (1-2 семестр) махсус курслар киритилган. Фикримизча, бозор муносабатларининг ривожланиши ва очиқ иқтисодиёт шароитини ҳисобга олиб республикамизнинг иқтисодий ва юридик олий ўқув юртлари ва коллежларида иқтисодий хавфсизлик курсини ўқитишни йўлга қўйиш керак.

Маълумки, иқтисодиётнинг миқдорий тафсили хавфсизликнинг сифатий ҳолатини белгилаб беради. Айни пайтда иқтисодиётнинг бошқа сифатли томони борки, бу уни нақадар хавфсиз эканини билдиради.

Иқтисодий хавфсизлик деганда, иқтисодиётнинг шундай аҳволини тушуниш керакки, бундан унга таназзулга юз тутиш, самарадорлик даражасининг пасайиши каби хавфлар таҳдид қилмайди, у инқирозга йўлиққан тақдирда ҳам тезда қайта тикланиш қобилиятига эга бўлади. Унинг бу қобилияти такрор ишлаб чиқаришни бир маромда боришини билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий хавфсизлик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш, унга сиёсий ва хўжалик қарорларини қабул қилиш жараёнида нормативлик хусусиятини бериш, ижтимоий жараёнларни бошқариш механизмига таҳдидларнинг пайдо бўлганидан хабар берувчи индикаторларни киритиш, уларни бартараф этиш бўйича самарали чоралар — буларнинг ҳаммаси давлат сиёсатининг йўналишларини ташкил этади.

Миллий хавфсизликнинг бутун бир тизимида унинг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ҳам ётади. Хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишда ҳаёт учун муҳим бўлган ижтимоий кафолатлар, ижтимоий таъминланганлик, ижтимоий ҳимоя каби инсон ва унинг келажагига бўлган ишончини шакллантирувчи «ижтимоий хавфсизлик» тушунчасининг киритилиши жиддий ютуқ бўлди. Ижтимоий хавфсизлик — ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг (макро ва микро даражадаги) ҳаётий муҳим манфаатларининг ишончли ҳимояланганлиги, инсоний имкониятнинг сақланиши ва ривожланиши, одамлар турмуш тарзи ҳаётни таъминловчи жиҳатларининг ва қадриятларининг, ҳуқуқий ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар нормалари ва принципларининг тизимидир.

Ижтимоий соҳа нафақат иқтисодий хавфсизликда, балки бутун миллий хавфсизлик системасида ҳам асосий ўрин тутади. Унда шахс, жамият, оила, ижтимоий гуруҳ ва давлат манфаатлари уйғунлашади. Айнан шу ерда хилма-хил ижтимоий муносабатларнинг зиддиятлиги ёки зиддиятсизлиги текширилади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи принципларидан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширилиши бугунги барқарорлик асосларидан бири бўлди.

Президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилганликлари ҳам ижтимоий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларидан биридир. Бу борада жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда республикамизда мавжуд уч ярим миллиондан ортиқ оиланинг ҳаётий муҳим манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастур оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари соғлиғини сақлаш ва уларнинг билим даражасини кўтариш, оилани иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, оиланинг руҳий-маънавий асосларини ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришни такомиллаштириш учун шароит яратиш сингари кенг тадбирларни ўз ичига олган.

Ижтимоий ҳодиса бўлмиш оилага илмий тадқиқотларда борган сари кўпроқ ва асослироқ эътибор берилмоқда. 1992 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти америкалик олим Бри Беккерга микроиқтисодий таҳлил соҳасини оиланинг фаолиятини шакллантиришни бошқаришгача кенгайтирилгани учун берилди. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим соҳаси оила даражасидир. Оила иқтисодининг барқарорлиги, унинг фаровонлиги социал хотиржамликни кафолатлайди. Оила иқтисодий тизимнинг бош нуқтаси, у фақат истеъмолчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи ҳамдир. Оилани иқтисодий хужайра деб қараш зарур.

Кўпчиликка маълум бўлган шахсий томорқа хўжалигининг ёйилганлиги билан ажралиб турадиган Ўзбекистондаги вазият муайян даражада оила иқтисодий хавфсизлигини минимал даражасини таъминлаш учун қулай деб ҳисоблаш мумкин. Республикамизда аҳолининг ярмидан кўпи қишлоқда яшайди ва ўзини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун етарли миқдори ер участкасига эга.

Хулоса қилиб таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатига жамият хўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар қандай даражасида иқтисодий хавфсизлик муаммоларининг мавжудлиги хосдир.Буларнинг барчаси тўла даражада республикамиздаги вазиятга ҳам таалуқли. Шунинг учун, бизнингча, жамиятимиз иқтисодий ривожланишида иқтисодий хавфсизликнинг устунлиги умуминсоний қадриятлар билан ҳам, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари билан ҳам ажралиб турадиган ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг барча таркибий қисмларида сақланиб қолади.

Шариф ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг муовини, иқтисод фанлари номзоди, доцент, милиция майори



«Биз чукоткаликларимиз»

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 11 avgust, seshanba № 94 (22.331).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган афсонавий забардаст Фарҳод ҳақидаги ривояту достонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекнома

Орият

Биринчи мақола

1. Ҳам қадим, ҳам замонавий

Лоф эмаски, ҳар қандай миллат жаҳон маданияти равнақига «Алпомиш»дек биргина эпос билан ҳисса қўшганида ҳам, шубҳасиз, буюк халқлар сафидан жой олган бўлур эди.

«Алпомиш»нинг «Қутадғу билиг», «Қиссаси Рабғузий», «Хамса», «Хазойин-ул маоний», «Бобурнома», «Ўтган кунлар» каби улуғ асарларимиз ичида айрича ва жуда ўзига хос ўрни бор. Биринчидан, у кўп қадим замонда яратилган. Иккинчидан, ана шу ўн аср мобайнида достонга тинимсиз сайқал бериб келинган. Учинчидан, достонда халқимизнинг шунча даврлик дарди касб этган.

«Алпомиш» асримизнинг 20-йилларидан эътиборан ёзиб олина бошланган. Ўз-ўзидан, бахшиларимиз ўз замонларида халқ қалбида пайдо бўлган тугунларни очишга, қайғукечинмаларини ҳам тўкиб солишга ҳаракат қилганлар.

Асар билан таниша борганингиз сари сиз, ҳатто, бугун учун жуда зарур, кўнглингизга, тафаккур оламингизга яқин жиҳатларни топаверасиз.

2. Таъна

Хўш, достон воқеаси нимадан бошланади ўзи?

Юзаки қараганда, Алпинбийнинг Бойбўри ва Бойсари деган икки ўғли ҳам фарзандсиз ўтаётганидан, суннат тўйида бир оғзига кучи етмаган «чапанитоб бойвачча» буни уларга таъна қилганидан. Лекин бу — гапни Алпомиш билан Барчинойнинг туғилишидан бошлаш учунгина қилинган бир усул, холос.

«Алпомиш»да асли гап ориятдан бошланади.

Ҳакимбек, яъни Алпомиш китоб ўқиб ўтириб: «Сахийлик нима-ю, бахиллик нима?» — деган масалада сўз бошлаб қолади. «Кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий экан. Агар закот бермаса, бул ҳам бахил экан», — дейди у, жумладан, отасининг қизиқиб сўраган саволига жавобан. Кейин отаси: «Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин», — деб: «Бойсарибий укам менга закот берса керак экан», — деб ўйлайди-да, ўн тўрт маҳрамини укасига закот сўратиб юборади. Кўнгли — укаси ўз розилиги билан «бир чичқоқ улоқ» ни берса, бўлди эди.

Бу гап укага чунонам қаттиқ ботдики... Рости, унга жуда ўтиб кетди: «Энди акамиз ўғилли киши бўлиб, дарров биз-нинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да».

Жаҳл устида ўн тўрт маҳрамнинг еттисини ўлдириб, еттисининг қулоқ-бурнини кестириб, ўзларига егизиб, отларига чаппа миндириб, келган йўлига қайтариб юборди:- «мана сенга закот!»

Акам бизга миннат қилди улини,

... Улсизлигим акам бунда билдириб,

Қаттиқ таъна қилди менинг қизимни, —

деб ҳисоблади. Энди ўғлим йўқлиги учун келиб-келиб ўз акамга сиғинди бўламанми, деб ўртанди:

Муна элда сиғинди бўп тураман,

Ўз акамга қандай закот бераман?!

У ўн минг уйли Қўнғирот элига қараб:

Ўз акамдан бундай хўрлик кўрганча,

Қалмоқ бориб, жузъя берсам, бўлмайми?—

...Ўз акама мен сиғинди бўлгунча,

Бу ўлкадан бошим олиб кетайин, —

деди-да, ҳайё-ҳуйт, деб, юртини ташлаб, Қалмоқ элининг Чилбир даштига халқи билан бирга жўнаб қолди...

Чинакам сиғиндилик ҳали олдинда, ўзингникига сиғиндилик ўзгага сиғиндиликка қараганда ҳолва эканини ғўр Бойсари билмас эди.

3. Мустарлик

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл!

Бу ҳикмат бекорга айтилган эмас. Бойсари ҳам арзимаган гапга акасидан ўпкалаб, бегоналар мамлакатига бош эгиб борган, акага сиғиндиликдан ётга сиғиндиликни афзал билган, лекин кўп хато қилган эди.

Ўз тили билан айтганда, қалмоқ унга «билмаганини билдирди». Мусофир бўлмай мусулмон бўлмас, дегани шу бўлса керак.

Шундай кунга ҳам қолдики, Қалмоқшоҳ унинг мулкини тортиб олиб, ўз молига ўзини етим қилиб қўйди. Бойсарининг бундан ори келди:

Мустарман-ку қалмоқларнинг қўлига.

Хўш, мустарлик нима?

«Мустарлик» — арабий «мустаор» сўзининг бир кўриниши. Бу «орият» сўзи билан ўзакдош. Демак, мустарлик ҳам орият поймол этилганликни англатади.

Карвон билан Қалмоқ юртига борган савдогарлар Бойсаридан Барчинга хат олиб келадилар. Барчиной ота мактубини ўқиб:

Султон отам унда хор бўп қолибди...

Қалмоқлар қўлида мустар бўлибди, —

дейди.

Изза

Амакисининг Қалмоқнинг юртида шундай оғир кунларга қолгани Алпомишнинг нафсониятига тегади. Отасининг қошига бориб, жумладан:

Бу иззага одам тоқат қиларми?—

деганча амакисини қалмоқлар зулмидан озод қилиш учун отланишга изн сўрайди.

4. Тили қисиқлик

Алпомишнинг орияти шунчаликки, у, ҳатто, дўсти Қоражоннинг олдида ҳам тили қисиқ бўлиб қолишни истамайди. Эсингизда бордир, Алпомиш Қалмоқ юртида Чилбир чўлида, Муродтепанинг ортидаги янги тепа тубида — чуқур зиндонда ётибди. Қоражон излай-излай, дўстининг зиндони бошига етиб келади. У ҳали пастдаги кишини кўргани йўқ, лекин Алпомиш ичкаридан унинг қорасини кўрди. Лекин танимади. Қалмоқшоҳнинг хабар олиб юрган жосусларидан, деб ўйлади. Ўзи-ку зиндонда, албатта, унга осон эмас. Бироқ подшосига бориб, Алпомишнинг жуда кўнгли чўкиб кетган экан, демасин, деб, сир бой бермади. Мард турди, Чунки унда орият бор: «Ҳали, — деди тепадаги «айғоқчи»га, — эсон-омон зиндондан қутулиб чиқай, Қалмоқшоҳингнинг бошини кесаман, кўрмаган кунларини соламан унга!»

Алпомиш эканини билиб, Қоражон унга ўзини танитди. Уни қутқаришга келганини ҳам айтди. Зиндонга ипак арқон ташлади. Алпомиш уни белига боғлаб олди. Аввалига кучи етмас, деб ўйлаган эди. Қараса, тортиб чиқаргудек ғайрати бор.

Лекин...

Алпомишнинг орияти бунга йўл қўймади. «Ҳозир мени зиндондан қутқарса, аммо бир кун келиб маърака-мажлисда қайнаб-тошиб гапириб ўтирган вақтимда: «Зиндонда чириб кетадиган одам эдинг, сени фалокатдан мен қутқарганман, эсингдан чиқдими?» — деб юзимга солса-чи?! Йўқ!» — деб ўйлаб, орқасини бериб, оёғини тираб турди, арқон узилиб кетди.

Алпомиш Қоражоннинг қурол-яроқсиз эканини, бу аҳволда қалмоқлар қўлида бекорга ҳалок бўлиб кетиши мумкинлигини баҳона қилиб, ундан қайтиб кетишни сўради. Қоражон — ҳушёр йигит. Алпомиш орияти кучлилик қилиб, аргига тегадиган, йигит киши кўтаролмайдиган шундай аччиқ-аччиқ, лекин тўғри сўзларни айта-айта акасини Қалмоқ элига боришга рози қилди, ўзбек шаъни учун курашга ундади уни:

Ҳар ким ўз элида бекмитўрами,

Нар-модалар сендан камроқ бўлами?

Марднинг ёри той-талашда қолами?!

Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,

Йилқичидан бедов сайлаб минмаган,

Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,

От асбобин шайлаб Қалмоқ бормаган,

Қалмоқларга қаттиқ кунлар солмаган,

Той-талашда қолган ёрин олмаган,

Ўз элида бир хил гапни билмаган,

Жаҳонни сайр этиб бунда юрмаган,

Нар-модалар сендан ортиқ бўлами?!

Бу гаплар Алпомишни тугул, бугун ҳар бир қалбида миллий ғурури бор йигитни руҳлантириб, унда ор-номус, юрт ва халқ шарафи, ёр шаъни учун курашга доим тайёр туриш туйғусини жўш урдириб юборади.

Адабиётнинг вазифаси шудир-да.

Достон миллат тарихида акалардаги лоқайдликни кези келганда сингиллар бартараф этиб, уларда орият ҳиссини кучайтириб юборганликларидан далолат беради.

5. Қиз номуси йигит ори эмасми?!

Бойсари акасининг арзимаган гапини ўзига оғир олиб, Қалмоқ юртига борди. Қалмоқ алпларидан Кўкаман Барчинга оғиз солди. Лекин, ахир, Барчиной амакисининг ўғли — Алпомишга бешиккерти қилинган. Унинг орияти, номуси, ғурури бор. Кўкаманга гапнинг пўсткалласини айтди-қўйди: «Алпомиш деган ёрим бор, хабар борса, етиб келиб, ҳаммангнинг адабингни беради. Агар келмаса, эркак либосини кийиб, ўзим жангга кираман!»

Ўзбек қизининг бу ори, бу ғурури кишига бир бошқача руҳ беради.

6. Мард йигитнинг ёри талаш бўларми?!

Барчин ўн минг уйли Қўнғирот қавмидан ўн йигитни танлаб, уларга Алпомишга етказиш учун мактуб ёзиб берди, унда: «Мендан умиди бўлса, келсин, бўлмаса, жавобимни берсин»,— деган дангал талаб битди. Йигитлар Бойсун сари кетдилар. Хатни Алпомишнинг отасига бердилар. Ота ўқиб, уни ўғлидан бекитди — сандиққа солиб қўйди. Уни тасодифан Қалдирғоч ойим топиб олди. Югуриб, акасига элтиб берди. Энди ўн тўртга кирган Алпомиш ўқиб кўриб: «Олти ойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб, сандираб ўламизми?!» — деб, хатни тиззаси остига босиб ўтирди.

Шунда...

Қалдирғоч бонг урди:

Мард йигитнинг ёри талаш бўларми?!

Бу ҳам ҳали ҳолва. У акасига бундан ҳам баттарроқ ачитқи сўзлар айта кетди:

Ака, айтган сўзим оғир олмагин,

Нар-мода ишини бунда қилмагин.

Синглисининг уни «нар-мода» легани Алпомишга қаттиқ ботдики... 27 мисрали жавобида нақд 9 марта «нар-мода» сўзини такрорлаб, синглисининг гапидан хафа бўлганини билдирди. Қалдирғоч акасининг ориятига тегадиган, йигит киши кўтаролмайдиган шундай аччиқ-аччиқ, лекин тўғри сўзларни айта-айта акасини Қалмоқ элига боришга рози қилди, ўзбек шаъни учун курашга ундади уни:

Ҳар ким ўз элида бекмитўрами,

Нар-модалар сендан камроқ бўлами?

Марднинг ёри той-талашда қолами?!

Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,

Йилқичидан бедов сайлаб минмаган,

Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,

От асбобин шайлаб Қалмоқ бормаган,

Қалмоқларга қаттиқ кунлар солмаган,

Той-талашда қолган ёрин олмаган,

Ўз элида бир хил гапни билмаган,

Жаҳонни сайр этиб бунда юрмаган,

Нар-модалар сендан ортиқ бўлами?!

Бу гаплар Алпомишни тугул, бугун ҳар бир қалбида миллий ғурури бор йигитни руҳлантириб, унда ор-номус, юрт ва халқ шарафи, ёр шаъни учун курашга доим тайёр туриш туйғусини жўш урдириб юборади.

Адабиётнинг вазифаси шудир-да.

Достон миллат тарихида акалардаги лоқайдликни кези келганда сингиллар бартараф этиб, уларда орият ҳиссини кучайтириб юборганликларидан далолат беради.

7. Отнинг ори

Барчиной Қалмоқ юртида Кўкалдош билан Алпомиш ўртасида «талаш» бўлганда Алпомиш билан дўст тутинган Кўкалдошнинг иниси — Қоражон бир ақлли маслаҳатни ўртага ташлайди: пойгада ким ўзса, қиз — ўшаники!

Бойчиборни Қоражон миниб келяпти. Кўкалдошнинг Дўнани ҳам ундан қолишаётгани йўқ. Алпомиш дурбин билан кўриб, қўлида қурол-аслаҳаси йўқлигидан пушаймон қилиб, тушкун бўлади. Шунда Барчин унинг жонига оро киради. Келаётган отларга қараб, Бойчиборга шундай таъсирчан сўзларни маржондек териб айта бошлайдики, бунинг ўзини ўзбек халқ оғзаки шеъриятининг энг гўзал парчаси, дегудек:

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!

Оқ тўшим — яйловинг, сочим — шипиртки.

Куйганимдан гапни гапга улайин,

То ўлганча сайисинг бўп юрайин.

Эгам раҳм айласин қонли ёшима,

Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима,

Олмосдай туёғинг қордай тўшима,

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!

Ўйилмай куймасин кулбайи хонам,

Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,

Қалмоқда қолмасин гулдайин танам.

Ўн икки ой сени Бойбўри боқди,

Гарданингга Қалдирғоч қўтос тақди,

Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!

Ўзбекнинг отида ҳам орият бор. Барчинойнинг: «Қалмоқда қолмасин гулдайин танам», — деб қилган илтижолари Бойчиборнинг этларини титратиб, қалбида ўч туйғусини қўзғатиб юборади, у аҳвол ё ҳаёт, ё мамот эканини сезади. Қалмоқлар ғирромлик қилиб, Қоражонга билдирмай Бойчиборни калта қайтариб ташлаган эди. Барчинойнинг нидоси қулоғига етган от «сувлуқ тишлаб, ўзини отади», шунда тизгин узилиб кетади. Ана энди Бойчиборга қуш ета кўрсин!

Ўзбек қизиниг шу фиғонида ҳам, шахсий аламидан ташқари, миллий дард, кучли орият нафаси уфуриб турибди...

Султонмурод ОЛИМ

Ватаним

Баланд тоғи оппоқ қорли,
Яйлови учқур тулпорли,
Йигит-қизи ботир, орли,
Ардоғимсан Ватаним.
Тупроғи олтинга кон,
Боғлари жаннат макон,
Кечмиши азал Турон,
Бетакрорсан Ватаним.
Улуғ зотлар Ватани,
Темур бобом маскани.
Туркистоннинг осмони,
Ўзингдирсан Ватаним.
Дарёси суви зилол,
Халқи меҳнатда ҳалол.
Келди бугун истиқлол,
Озод, ҳурсан Ватаним.
Ҳурлик йўли нурафшон,
Давраси дўстларга кон,
Мангуга тондим имкон,
Ардоғимсан Ватаним.

Абдулла ШОНОСИР

«Пахтакор»ни ёд этиб

Спорт

Миллионлар учун севимли бўлиб қолган «Пахтакор» жамоасининг авиация ҳалокатига учраганига бугун 19 йил бўлди. Айни маҳорати ошган, мухлислари сафи кенгайган, нуфузи тобора ортиб бораётган бир пайтда пахтакорчилар бахтсизликка учраб, самога сочилган юлдузлар номини олишганди. Келинг яхшиси, собиқ пахтакорчилар номини яна бир бор тилга олайлик: Равил Агишев, Михаил Ан, Олим Ашуров, Константин Баканов, Сирожиддин Бозоров, Юрий Загуменных, Шуҳрат Эшбўтаев, Александр Корчоликов, Владимир Кузнев, Николай Кумир Макаров, Собиров, Владинов, Мансур Тоҳ-Идигай Тазетдилибжонов, Сергей Покатилов, Владимир Фёдоров, Владимир Чумаков, Виктор Чуркин...

Пахтакорчиларнинг хотираси ўрнига қўйилмоқда. Ҳар йили «Пахтакор — 79» хотира турнири ўтказилади. Кеча ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. «Нефтчи» — «Хоразм» (1:2), «Пахтакор» — «Янгиер» (1:0) жамоалари майдонга тушдилар. Ҳал қилувчи учрашув бугун Николай Куликов юрти — Янгиер шаҳрида бўлади.

Чойхўрлик гашти — *Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат*

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Ўзбекбирлашув» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари 1998 йилнинг 10 августидан 10 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ»

ташкил этади

Сизлар ушбу «мактаб бозорлари»дан ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат моллари харид қилишларингиз мумкин.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Ўзбекбирлашув

Россияда ишлаб чиқарилган шпагат **СОТИЛАДИ.** Телефон: 58-86-73 (кўнгироқ соат 18-00 дан кейин)

ЎзР ФА Эндикринология институти маъмурияти институт клиникаси физиотерапия бўлимининг мудири Д.С. Усмоновага турмуш ўртоғи **Аҳмад Аҳтамович НИЯЗМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари таҳририяти жамоаси «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директори Рустам Қосимовга отаси **Саид ҚОСИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директори Рустам Қосимовга отаси **Саид ҚОСИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. *Саҳифаловчи -дастурчи* **Бахтиёр Ҳамидов**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.866 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0232

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.45

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА